



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 61 (11.872)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Хусусий тадбиркорлик

### ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Кейинги йилларда ички бозорда четдан келтириладиган маҳсулотлар камайиб, улар ўрнини импорт ўрнини босувчи маҳаллий товарлар эгалламоқда. Юртимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилиб, корхоналари истиқболли таъминлашга астойдил интилган ишлаб чиқарувчилар кўпчилигини ташкил қилади.

«PGS» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ҳам мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида сифатли ва рақобатбардор маҳсулотлари билан ички бозорда ўз ўрнига эга. Ҳозирги кунга келиб корхонада харидор талаб ва эҳтиёжини қондирадиган 33 турдаги электр маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, уч-тўртта маҳсулот ишлаб чиқариш билан иш бошлаган мазкур корхонада қадимдан ажодларимиз унумли қўллаб келган сополдан кенг фойдаланилади. Мутахассисларнинг фикрини инобатга олсак, сопол аввало инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади ва экологик тоза ҳисобланади. Ҳар битта маҳсулот сифатини доимий назорат қилувчи маҳсул гурӯҳ бу борада ўта талабчанлик билан меҳнат қилади. Шу билан бирга ҳар бир маҳсулот харидор дид-эҳтиёжи ўрганилиб, мукамаллаштирилиб борилади.

Ҳозирда «PGS» савдо белгиси билан ишлаб чиқарилаётган электр маҳсулотлари нафақат замонавий дизайн, сифати ва рақобатбардорлиги билан, шу турдаги хорижда ишлаб чиқарилаётган товарлардан тежамкорлиги туфайли ҳам алоҳида ажралиб туради. Хусусий корхонанинг ички бозорда яхши танилган — илҳам, қулай кичик новвойхоналари, мини-печлари, кўркам иситкичлари, бежирим, шифобахш таъсири бўлган сандаллари мўқим ўрин эгаллаган.

Ишончли, тежамли, экологик талабларга жавоб берадиган, асосий-

си ёнғиндан сақлаш назорати идораларидан рухсат этилган, сертификатланган маиший ва саноат маҳсулотлари қаторига электр кўра, ўчоқ, тандир, сауна кирради. Ушбу маҳсулотларга 12 ой қафолат берилиб, беш йил мuddат ичида бепул сервис хизмати кўрсатилади.

Замон билан ҳамнафас ҳолда иш юритаётган корхонада ишлаб чиқаришни модернизациялаш билан бирга илмий изланишлар ҳам изчил олиб борилаётган.

Йилдан йилга маҳсулотлар харидорлигини таъминланаётгани бежиз эмас. Нисбатан янги ҳисобланган керамика асосидаги маиший ва саноат калориферлари вентилятор билан таъминланган. Бу электр қувватини тежашдан ташқари, пол ва шифт ўртасидаги иссиқликни текис таркатади.

Корхона нуфузини ошириш йўлида ишчи-хизматчилар бор маҳоратларини ишга солмоқда. Бунинг яққол ифодаси сифатида «PGS» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотлари кўллаб кўриқ-танлов совриндори бўлганлигини айтиб ўтиш мумкин. Корхона нафақат шаҳар, балки республика миқёсида ҳам юксак мукофотга сазовор бўлганлиги доимий изланишлар, сайё-ҳаракатлар самараси ҳисобланади.

Маҳсулот турларини кўпайтиришга қаратилган эътибор боис, бу ерда жорий йил бошидан янги лойиҳалар устида ишланмоқда ва албатта уларнинг синовдан ўтказиш жараёнлари қизгин давом этмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА  
Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2011 йил 26 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Мажлисининг иккинчи кунда «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилиб, маъқулланди. Сенаторлар томонидан ушбу Қонуннинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг йўл ҳаракати хавфсизлигини, аҳоли ҳаёти ва саломатлигини таъминлашга қаратилган нормаларини янада такомиллаштиришдан иборат эканлиги қайд этилди.

Қонунга мувофиқ, маст ҳолатда транспортни бошқариш, маст ҳолатдаги ҳайдовчиларнинг ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқаришига йўл қўйиш, йўлларга шикаст етказиш, светофор сигналларига амал қилмаслик, авария ҳолатини келтириб чиқариш ёки қарама-қарши томондан ҳаракатланиш йўлига ўтиш ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чоралари анча кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодировнинг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тингладилар. Ҳисоботни муҳокама қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати шунга қайд этдики, ҳисобот даврида прокуратура органлари томонидан қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг профилакти-

тикаси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини назорат қилишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақидаги Қарорини рўйбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилган.

Прокуратура органлари олдига қўйилган вазифаларни ижро этиш юзасидан қонунларнинг бажарилиши бўйича 28363 та текширув ўтказилиб, уларнинг натижалари бўйича 350 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжати қабул қилинган, 43247 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари қайта тикланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари билан тасдиқланган Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини, 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш, жойларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларининг ҳудудий органлари томонидан тегишли соҳалардаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан тизимли назорат амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Мамлакатимизга ташриф буюрган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) кам сонли миллатлар ишлари бўйича Олий комиссари, элчи Кнут Воллебек раҳбарлигидаги делегация 28 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан ЕХХТ ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, жумладан, парламентаризм, ҳуқуқ-тартибот ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида миллатлараро товушликини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, барча миллат ва элатлар вакилларининг ахил-иноқ яшаётгани, уларнинг ҳуқуқлари қонун билан қафолатлангани қайд этилди.

Ўзбекистон ЕХХТ билан минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, халқаро

### ЕХХТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ — ЎЗБЕКИСТОНДА

иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, экология каби соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Музокарада Ўзбекистон билан ЕХХТ ўртасида кўнунчилик, суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ҳамкорликка оид масалалар, шунингдек, ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқбол юзасидан фикр алмашилди.

ЕХХТ бир неча йиллардан буён Ўзбекистон билан ҳамкорликда кўллаб лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда, — деди К.Воллебек. — Ўзбекистон Омбудсман институтининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида олиб бо-

раётган ишлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди. Мақсадимиз юртингизда кам сонли миллат вакиллари ҳуқуқларини таъминлаш, бу йўналишда олиб борилаётган таълим ҳамда маърифий ишлар борасида фикр ва тажриба алмашишдан иборат. Ўзаро ҳамкорлигимиз йил сайин кенгайиб, мустаҳкамланиб бораверишига ишонаман.

ЕХХТ делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта маҳсул таълим вазирликлари, Республика байналминал маданият марказида ҳам музокара ўтказди.

(ЎЗА)

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — иқтисодиётнинг асосий таянчи» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Тадбирда тегишли вазирликлар, молия институтлари вакиллари, тадбиркорлар ва иқтисодчи олимлар иштирок этди.

• Олмалик шаҳридаги «Металлург» маданият саройида «Биз — 20 ёшда» шиори остида акция ўтказилди. Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган мазкур тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Меҳр нури» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси томонидан ташкил этилди. Акция тадбирларида турли вазирлик ва идоралар, молия тузилмалари, жамоат ташкилотлари, пойтахт вилоятининг барча туман ва шаҳарларидан ёшлар қатнашди.

• Гулистон шаҳридаги «Мили-Гулистон» кўшма корхонасида калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги технологик линия ишга туширилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 7 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланди. Бу ерда хорижий илғор технологиялари ёрдамида йилига 5800 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилиб, кўшимча 300 та иш ўрни ташкил этилди.

• Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан Молия вазирлиги билан ҳамкорликда Фарғона шаҳрида автотранспорт хизмати кўрсатиш билан шуғулланаётган тадбиркорлар иштирокида соҳага оид қонунчиликдаги янгиликлар ва ўзгаришларга бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди.

• Пойтахтимизда экологик таълимнинг педагогик воситаларига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда экология фани ўқитувчилари иштирок этди.

• Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда суд бошқарувчилари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар-йиғилиш ўтказилди.

• Фарғона туманидаги Миндонобод қишлоғида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган бешта турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Барча коммуникация тармоқларига уланган ушбу янги мавзе «Янгиавлод-қурилишнинг» ташкилоти томонидан қисқа мuddатда қуриб битказилди. Бунинг учун 500 миллион сўм маблағ сарфланди.

### ЖАҲОНДА

• Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ёш мусикачиларнинг «Европага нигоҳ» VI халқаро кўриқ-танлови бўлиб ўтди. Унда Р.Глиэр номидаги Республика мусикага ихтисослаштирилган академик лицейининг «Халқ чолғу асбоблари» йўналишида тахсил олаётган Ихтиёр Абдунабиев ва Абдуазим Абдуманнопов учинчи ўринни эгаллашди.

• Германия пойтахти Берлинда «Яшил ҳафталик-2011» халқаро қишлоқ ҳўжалиги саноати кўргазма-ярмаркаси очилди. 57 мамлакатдан икки мингга яқин компания иштирок этаётган кўргазмада озиқ-овқат, қишлоқ ҳўжалиги ва боғдорчилик саноатига оид маҳсулотлар намойиш этилмоқда. 1926 йилдан буён ўтказилаётган ушбу кўргазма иштирокчилари сони тўрт юз мингдан ошиши кутилмоқда.

• Хитой пойтахти Пекинда метронинг бешта янги йўналиши очилди. Ушбу йўналишлар орқали пойтахт марказидан шаҳарнинг чекка ҳудудларига ҳам осонгина етиб олиш мумкин. Бу эса шаҳар йўлларидаги тирбандликни анча камайтиради. Узунлиги 108 километрни ташкил қилувчи янги йўналишларни қуриш учун 9 миллиард АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланган.

• Балинд иншоотлар забт этувчиси, «инсон-ўргимчак» лақабини олган франциялик 48 ёшли Ален Роббер Дубайдаги «Бурдж-Халифа» — дунёда энг баланд ҳисобланган бино чўққисига чиқишга муваффақ бўлди.

### ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ «Мақсад йўлидаги изланишлар» — ушбу мавзуга бағишланган давра суҳбати **КЕЧА** Тошкент Архитектура-қурилиш институтида бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Олмазор туманидаги «Исломобод» маҳалласи ва Завқий номидаги маданият уйи ҳамкорлигида Наврўз аёймига бағишланган байрам тадбири ўтказилди.

✓ **БУГУН** Тошкент телеминосидида «Сайёҳларга хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш масалалари» мавзусида соҳа мутахассислари учун семинар ташкил этилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбиркорлик субъектлари, деҳқон, фермер хўжаликларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга ва уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашуш ҳолларига йўл қўймасликка, ердан фойдаланиш соҳасидаги тартиббузарликларга барҳам беришга алоҳида эътибор қаратилган.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар билан ҳамкорликда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ва бу соҳада қонунчиликнинг мустақамлалини устунида назорат олиб борилган. Мазкур йўналишда амалга оширилган тадбирлар вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик даражаси 2009 йилдагига қараганда 3,9 фоизга пасайишига эришди.

Хисоботни муҳокама қилиш якунида Олий Мажлис Сенати Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг мамлакатда қонунчиликни таъминлаш борасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича тавсияларни ўз ичига олган тегишли қарорни қабул қилди.

Сенаторлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси раиси Н. Умаровнинг Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисидаги хисоботини ҳам тингладилар. Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг ўтган даврдаги иши якунларини қўриб чиқар эканлар, сенаторлар атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устунида тизимли назоратни таъминлаш, мамлакатда экологик вазиятни соғломлаштириш ҳамда экологик ҳавфсизликни таъминлаш юзасидан олиб борилган тадбирларнинг муаммоларини кўрсатиб ўтдилар. Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси органлари 2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш ишлари дастуридан жой олган чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилмоқдалар.

Вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва корхоналар томонидан мамлакатда экологик вазиятни яхшилаш борасида табиати муҳофазаси қилиш тадбирлари бажарилиши натижасида атмосферага чиқариб ташланаётган ифлослантирувчи моддалар 12,53 минг тоннага қисқарган, 21,6 минг тоннага автотранспорт воситаси газ ёқилгиси ўтказилган, «Навоийаэро» ОАЖ, «Фаргонаэро» ОАЖ ва «Максам-Чирчиқ» ОАЖ корхоналарида азот оксидини атмосферага чиқариб ташлашни камайтириш бўйича янги технологиялар ўрнатилган, Навоий ва Самарқанд вилоятларида кон ишларини олиб бориш натижасида бузилган 459,8 гектар экин ерлари фойдаланишга қайтарилган.

Хисоботни муҳокама этиш асосида мажлис иштирокчилари табиати муҳофазаси қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида фан-техника тараққиёти ютуқларининг имкониятларини янада ривожлантириш ҳамда улардан фойдаланиш, экологик тоза ва ресурсларни тежайдиган технологияларни амалиётга жорий этиш, бу соҳада қабул қилинган давлат дастурларини сўзсиз бажариш зарурлигини таъкидладилар.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазир Р. Мухитдиновнинг 2010 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи органлар ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини тингладилар. Бунда улар қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати юритилишини таъминлаш борасида вазирлик томонидан олиб борилаётган ишларнинг муҳимлигини алоҳида таъкидладилар. Вазирлик амалга оширган мониторинглар якунлари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан давлат тузилмалари томонидан комплекс ва аниқ мақсадга қaratилган чора-тадбирлар қўрилган. Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнининг қонунчилик асосларини ва услубий таъминлашининг такомиллаштиришга, юридик хизматлар ҳодимларининг касбий тайёргарлик даражасини оширишга ҳамда уларнинг давлат органлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлашнинг сифати учун жавобгарлигини қўйиштиришга қaratилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар рўйбга чиқарилган.

Замонавий коммуникация воситалари, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, ҳуқуқий ахборотни аҳолига етказиш учун қўшимча шароитлар яратиш чора-тадбирлари қўрилган. 2010 йил 1 январдан бошлаб интернет тармоғи воситасида Миллий қонунчилик маълумотлари базасидан барчанинг кенг фойдаланиши таъминланган. Ҳисобот даврида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари қабул қилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунчилигини таъминлаш борасида вазирлик томонидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилган. 2010 йилда қонун ҳужжатларининг талабларини бузган ҳолда қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта қўриб чиқиш, бекор қилиш ва ижродан қақриб олиш ҳақида вазирлик томонидан 40 та тасдиқнома киритилган. 2008-2010 йиллар мобайнида қонун билан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмаган 70 дан ортиқ идоравий ҳужжат бекор қилинган.

Сенаторлар давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи органлар ва назорат тузилмаларининг қонун талабларини сўзсиз бажарилишини таъминлаш борасидаги ишнинг самарадорлигини янада оширишга эътиборни қўйиштириш зарурлигини, қонун талабларини ижро этиш давлат ва жамият қўлиши соҳасидаги ислохотларни изчил амалга оширишнинг гоят муҳим шarti эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий суди таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни қўриб чиқдилар.

Сенатнинг икки кунлик ялпи мажлиси мобайнида 20 дан ортиқ масала, шу жумладан, 11 қонун қўриб чиқилди. Уларнинг амалга оширилиши давлат қўлиши ва бошқарувини демократлаштиришда, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш ва либераллаштириш, атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш ва мамлакат ташқи сиёсий фаолиятини ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

Шу билан Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

Мамлакатимиз Президенти томонидан илгари сурилган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қонун ижодкорлари олдига суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш юзасидан ташкилий-ҳуқуқий чоралар мажмуасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган.

Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаларига амал қилган ҳолда, жумладан айтиш жоизки, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилиги меъёрларини либераллаштириш борасида излашлар олиб бориш бугунги куннинг талабидир.

Сўнги йилларда жиноят-судлов ишларини юритишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофазаси қилишга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг мазмун ва моҳияти ҳам айнан инсон ҳуқуқларини янада мустақам кафолатлашга йўналтирилган. Жумладан, 2008 йилнинг 1 январидан мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинди, қамоқда

шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурият чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш масаласи бундан далолат. Мазкур қондан қонунчиликка киритишнинг муҳим жиҳати шундан иборатки, шахснинг конституциявий ҳуқуқларини чеklang устунидан суд назорати доиралари кенгайтирилади, жиноят судлов ишларини юритишда ҳолис ва бегараз процессуал қарорлар чиқарилишига мустақам замин ҳозирланади.

Ушбу масала юзасидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳасида келтирилган тақдир ва муҳофазалар амалдаги қонунчиликнинг процессуал мажбурият чораларини қўллаш хусусидаги нормаларини

Хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш натижасида қуйидаги тақдирларни илгари сурмақдасиз: лавозимдан четлаштириш мумкин бўлган субъектлар қаторига гумон қилинувчини киритиш лозим, чунки бу чора суд билан қўллаш тақозо этади; судланувчини ушбу чора қўлланиладиган шахслар қаторидан чиқариш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилда қабул қилинган ЖПКда шахсни тиббий муассасага жойлаштириш инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини бевоқифа четлайдиган чора бўлганлиги учун қонунчиликда процессуал мажбурият чоралари қаторидан ўрин олди. Чунки қўллаб МДХ давлатлари қонунчилигида шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳануз тергов ҳаракати ҳисобланади.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш, ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси каби жиддий процессуал ҳаракатлардан бири саналади. Мазкур чора шахс эркинлигини бевоқифа четлашди ва унинг ҳуқуқлари билан қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

Концепция: устувор вазифалар ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ИСЛОХОТЛАР

олиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адолат ва ҳимоя институтини янада ислохот этиш тўғрисида»ги Фармонида асосан жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг тенглиги таъминланди, ишнинг судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш тўғрисидаги қоидалар қонунчиликка таъкид этилди, жиноят процесси иштирокчиларига ҳам бир қанча енгиликлар яратилди. Хусусан, гумон қилинувчи, айбланувчининг ҳуқуқлари кенгайтирилди, ҳимоячи далиллар тўплаш учун қўшимча ҳуқуқларга эга бўлди, қонунга «Гўвоҳнинг адолати» деб номланган модалда, жиноий суд ишларини юритиш соҳасида жалқаро ҳамкорликни тартибга солувчи бўлиб киритилди. Жиноят процессуал кодексини қабул қилингандан бери 190 та модалда қўшимча ва ўзгартиришлар янги модаллар киритилди.

Бугунги кунда, Президентимиз таъкидлаганидек, демократик ислохотлар ва жамиятни либераллаштиришни изчил ва босқичма-босқич давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш жараёни устуворлик аниқ ва равшан марраларига эга бўлиб, ҳаётимизда бошланган туб ўзгаришлар албатта ўз манъатига хилоф бўлишида лавозимдан четлаштириш оқибатида етказилган. Мустақил Республикамининг 1994 йилда қабул қилинган ЖПКда лавозимдан четлаштириш чорасини қўллаш тартибига ўзгаришлар киритилди. Янги қонунчиликда лавозимдан четлаштириш асослари, уни қўллаш ҳамда унинг устунидан шикоят қилиш тартиби, амал қилиш муддатиди, қонунга хилоф бўлишида лавозимдан четлаштириш оқибатида етказилган қонунлардан фарқи равишда ҳозирги қонунда лавозимдан четлаштириш учун асослар ҳам қўрсатиб ўтилган. Унга қўра, айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, у жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўқинлик қилди ёки жиноий фаолиятини давом эттирди, дейиш учун етарли маълумотлар бўлиши керак.

Ушбу процессуал мажбурият чорасининг номидан «лавозимдан четлаштириш» сўзлари ўрин олиши лозим, чунки шахснинг жиноят содир этишида айбдорлиги исбот қилинган ҳолда у ўз лавозимига қайта тикланувчи. Шунингдек, гумон қилинувчи ҳам ушбу чора қўлланилиши мумкин бўлган субъектлар қаторига киритилиши зарур. Судланувчига эса лавозимдан вақтинча четлаштириш процессуал мажбурият чорасини қўллаш самара бермайди.

Шу билан бирга, процессуал мажбурият чораларига оид қонунчиликдаги сўнги ўзгаришлар уни қўллаш амалиётини чуқур ўрганиш, мавжуд камчиликларнинг сабаб ва асосларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш зарб масалаларга айлантдири.

Юртбошимиз томонидан лавозимдан четлаштириш ва

такомиллаштиришга йўналтирилган. Асосий мақсад фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ноҳақ четланмаслигини таъминлашдир. Жиноят-процессуал мажбурият чоралари қонунбузарликнинг олдини олиш ҳаракатига эга. Бу чораларни қўллашда муайян чекловларнинг қонуний тарзда мустақамлалини давлатнинг фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамўрлигидан далолат беради.

Шу боис процессуал мажбурият чораларини қўллашга оид илмий излашлар олиб бориш, қонунчилик ва самарадорликни таъминлашга қаратилган амалий қўлланмалар тайёрлашга эҳтиёж катта. Мазкур лойиҳа пировардида тилга олинган вазифаларни бажариш ва муаммоларни ҳал этиш, хусусан... процессуал мажбурият чораларини қўллашга оид қонунлар ва уларнинг амалиётини либераллаштиришга ҳисса қўйишига қаратилган.

Мустақил Республикамининг 1994 йилда қабул қилинган ЖПКда лавозимдан четлаштириш чорасини қўллаш тартибига ўзгаришлар киритилди. Янги қонунчиликда лавозимдан четлаштириш асослари, уни қўллаш ҳамда унинг устунидан шикоят қилиш тартиби, амал қилиш муддатиди, қонунга хилоф бўлишида лавозимдан четлаштириш оқибатида етказилган қонунлардан фарқи равишда ҳозирги қонунда лавозимдан четлаштириш учун асослар ҳам қўрсатиб ўтилган. Унга қўра, айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, у жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўқинлик қилди ёки жиноий фаолиятини давом эттирди, дейиш учун етарли маълумотлар бўлиши керак.

Ушбу процессуал мажбурият чорасининг номидан «лавозимдан четлаштириш» сўзлари ўрин олиши лозим, чунки шахснинг жиноят содир этишида айбдорлиги исбот қилинган ҳолда у ўз лавозимига қайта тикланувчи. Шунингдек, гумон қилинувчи ҳам ушбу чора қўлланилиши мумкин бўлган субъектлар қаторига киритилиши зарур. Судланувчига эса лавозимдан вақтинча четлаштириш процессуал мажбурият чорасини қўллаш самара бермайди.

Концепцияда кўрсатилган яна муҳим масалалардан бири суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатини чиқаришдир. Демак, суддан жиноят ишини қўзғатиш ваколати олиб ташлашни билан Жиноят процессуал кодексининг айрим модалларига ўзгариш киритилади. Суд жиноят ишини қўзғатиш ваколати билан бирга жиноят ишини қўзғатиш рад этиш ваколатига ҳам эга бўлади. Маълумки, жиноят ишини қўзғатиш жиноий таъкибни амалга оширадиган ҳуқуқ-тартиб органларининг вазифаси ҳисобланади. Судга эса шахсга қўйилган айбловнинг қонуний ва асосли эканлини ҳолис баҳолаш ваколати оқлатилган. Вақоланки, ҳозирги пайтда суд томонидан жиноят ишини қўзғатиш тарзидаги процессуал ҳаракатнинг амалга оширилиши ҳолатини жиноий таъкибнинг ва ундан келиб чиқадиган бартараф оқибатларнинг бошланishi ҳисобланади. Бу эса судни жиноий таъкиб иштирокчилари тоифасига киритиб қўяди. Айтиш жоизки, бундай амалиёт суднинг олий мақсади бўлган одил судловни амалга ошириш тамойилига мулкко эдилди.

Жиноят-процессуал қонунчилиги қўрсатиб ўтилган нормаларнинг киритилиши суднинг мустақиллиги, ҳолислиги ва бегаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини қўйиштиришга хизмат қилади. Жиноятчиликка қарши курашнинг умумий бўлиши кўп жиҳатдан ҳуқуқий меъёрларни такомиллаштириш борасида ишлаб чиқарилаётган илмий тавсияномаларга боғлиқдир. Бироқ қонунчилик жараёнининг мураккаблиги ва ўзига ҳослиги шунданки, бир вақтнинг ўзида бу қонунлар мустақам бўлиши ва замон талабларига мос равишда ўзгарувчан бўлиши талаб этилади. Ҳозирги вақтда жамият тараққиёти шу қадар жадаллик билан ривожланмоқдаки, қонунлари замон талабларига жавоб берадиган даражада доимо ўзгариштириш лозим. Бу эса шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини қўшимча кафолатлашга, янада либераллашувини таъминлашга хизмат қилади.

Зумрад ИНОҒОМЖОНОВА, юридик фанлари доктори, профессор Гулчехра ТЎЛАҒАНОВА, юридик фанлари доктори

Ислохотлар оқимида КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон илк мустақиллик йилларидан бошлаб демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан одимлаб бормоқда. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, кишилар фаровон ҳаёти ва фаолияти учун зарур шароитларни яратиш ушбу эзгу мақсад йўлидаги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ушбу жараён аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш тамойили ёрқин ифодаси топмоқда. Утган вақт мобайнида иқтисодий барқарорликка эришиш билан бирга аҳолининг барча қатламларини бир хил ҳар томонлама ҳимоя қилиш тадбирлари изчил амалга оширилгани ижтимоий-сиёсий вазият осойишталигини сақлаш имконини берди. Айниқса олий иш ҳақлари мунтазам оширилгани, болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бюджет малағари эвазига амалга оширилганига яқоли кўзга ташланд.

Ҳар қандай давлатда бозор иқтисодиёти қанчалик юк даражада бўлмасин, аҳоли даромадлари ўртасидаги кес фарқни фақат давлатнинг ижтимоий ҳимоя чора-тадбир тизимини жорий этиш натижасидагина пасайтириш мумкин. Давлатимиз раҳбари қайд этиб ўтганидек, «бозор муносабатларига яқинлашган сайн ижтимоий сийосатнинг устувор йўлишлари — аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва хил қилиш чоралари ҳамда воситалари ўзгариб бориши керак, ган муҳим сабоқ чиқариб олдик». Шу тариха ислохотлар бочининг ҳар бир аниқ даражада мослаб ижтимоий ҳимояла оид чора-тадбирларнинг тегишли тизими яратилди.

Давлатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими расида ижтимоий ёрдам, пенсия таъминоти, болаларга наф ёлғиз кексаларга хизмат кўрсатиш, жисмоний имконияти ланганларни протез-ортопедия бўюмлари, ҳаракат воситалари билан таъминлаш, шунингдек тиббий, меҳнат ва ижтимоий ҳатдан тиклаш, ишсизларни ишга жойлаштириш бораси, саъй-ҳаракатлар изчиллик билан давом эттириб келинмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг кейинги босқичи инсонларнинг, ижтимоий адолат тамойиллари кенг тус о бу борада ёлғиз қариялар, боқув-чисини йўқотганлар, кўп оли оилаларга катта эътибор қаратила бошланди. Болала кам даромадли оилалар асосан ижтимоий ёрдамдан ба манд бўлаётди. Эндигилда моддий ёрдам маҳалла томон етказиб бериладиган бўлди. Бундай ёндошув миллий анъларимизга мос келади. Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозим, ислохотлар замирида инсон манфаатларини таъминлаше ран маъноли фикр мумассамдир.

Дарҳақиқат, инсон манфаатлари, унинг фаровон ҳаёчириши учун амалга оширилаётган ишларнинг қўлими нли кенг бўлса, хайри ишлар қанчалик қанот ётса, ёки кадрийларимиз, азалий удулмаримиз шу қадар чуқур ётади. Бу эса, ўз навбатида, инсонларни бир-бирига яқинлаштириб, меҳр ришталарининг мустақамламини ёрдам беради.

Озода ЗУННУН, Юносувод тумани 10-давлат нотариал идои нотари

ЖАМИЯТ РАВНАҚИ АСОСИ

Тириклик, яшариш ва уйғониш фасли бах халқимизнинг энг олижаноб хислатлари яна буй кўрсатадиган серхосият даврдир.

Бу файзли дамларда бободоҳонлар яхши ният билана уруғ қадаси, қайвони момолар дошқозонларда сумалани биқиратиб, қўлларини тансиқ таомларини пишириб, элготи эдиларди. Кексалар, ёрдамга муҳтождлар йўқланди, э-оқибат қўрсатилиб, кўнгиллари кўтарилди.

Бугунги кунда саҳаватпешали, бағрикенглик, меҳр-маътаб каби инсонийликнинг энг олий тамойиллари миллий нчилигимизда намоён бўлиб, давлатимиз сиёсатининг уор йўналишларидадан бирига айланган.

Жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган ёш авлодлар томонлама қўллаб-қувватлаш, она ва бола саломатлиги муҳофазаси қилиш, инсон шаъни, қадр-қимматини ҳар надан устун қўйиб, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бораси ислохотлар самараси бугун таълим-тарбия, соғлиқниқлаш, маънавий ва маърифат, ижтимоий ҳимоя каби э-лишларда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Юртнинг барча гўшларидида барпо этилаётган мактаблар, а-ий ижодиёт марказлари, спорт-соғломлаштириш мажхари ёш авлодни жисмоний ва маънавий қамол топтиса, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга, иқтива «Баркамол юзода йили» Давлат дастурини оладиган бик, унда ёш оилаларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазаси қили таъминлаш, соғлом ва мустақам оилани шакллантириш зарур шарт-шароитларни яратиш масалаларига азда эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Оила Кодекси ҳам оилада ҳуқуқий муносабатларнинг тибга солувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Бугун Оиодексида никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтиш билан боғлиқ қонданинг ақ эттирилгани соғлом оилани шакллантиришга хизмат қилмоқда. Кодекснинг 17-модида никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тии муассасаларида бепул асосда тиббий қўриқдан ўтиш-лига қўйилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелдаги «ва бола саломатлигини муҳофазаси қилиш, соғлом авлодниқ-лантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»и09 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг реприсв саломатлигини мустақамлаш, соғлом бола туғилиши, жоий ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш бордаги ишларни янада қучайтириш ва самарадорлигини оши чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорлари аҳолиг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, соғлом болаларни қилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга-каши борасидаги ишларни янада қучайтириш, самарадигини оширишга муҳим омил бўлмоқда.

Оила фаровонлиги, она ва бола саломатлиги, ёшн соғлом турмуш тарзига тарғиб этиш бўйича Адлия бошқарсининг ФХДБ бўлимлари томонидан кенг қамровдагилар олиб боришмоқда. «Оила дорилфунунлари» ёш оила қчилар мактабиди касб-ҳунар коллежлари, академик лияр ўқувчи-ёшлари ҳуқуқий ва тиббий билимларини оширмоар. Ҳодимларимиз фақат турмуш қуриш учун ариза берганлар билан эмас, балки эрта-индин катта ҳаётга қадам берганлар насидида турган йигит-қизлар билан ҳам иш оли борадирнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, салқик гарови бўлган спортга жалб этиш бўйича Чилонзор тумдаги 13 та касб-ҳунар коллежи, 3 та академик лицей ё та маҳаллада турли мавзуларда давра сўхбатлари ўтказибинмоқда.

Мақсадимиз уни-ўсиб келаётган фарзандларимиз 6-бугун, тўқис оилада қамолга етсин. Аҳир улар илк таъни оилада олади. Баркамол авлод эса ҳар томонлама атта лойик бўлган, ҳуқуқий, тарбиявий, жисмоний қамолоттакловчи ота-оналар бағрида вояга етади. Шундай эқалида бахтига соя солувчи ҳар қандай иллатларни тағ-томтирлан йўқ қилишга ҳаракат қилишимиз керак. Зотан бахт кай ўз қўлимизда, фақат бун ҳар биримиз тўлиқ англай олс-иятимизга албатта етамиз.

Гулчехра АЗИВА, Чилонзор тумани ФХДБ бўлими муаси

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили АТИБ «ИПОТЕКА БАНК»: ҲАМЖИҲАТЛИК, ЎЗARO ИШОНЧ, ТАРАҚҚИЁТ

Бугунги кунда жисмоний шахс бўладими ёки хўжалик юритувчи субъект бўладими, ўз фаолиятини банклар иштирокисиз тасаввур қила олмайди. Чунки қайси соҳанинг истиқболига назар соладиган бўлсангиз, бунда албатта банкларнинг бевоқифа иштироки туфайли ана шу даражага эришганига амин бўласиз.

Энг асосийси сўнги пайтларда ҳуқуқимизнинг бевоқифа саъй-ҳаракатлари туфайли фуқароларимизнинг банклардан ипотека кредитларини олиш, бўш пул маблағларини банкка қўйиш орқали даромад қилиш, ўз тадбиркорлик фаолиятларига етарли миқдорда банк кредит маблағларини кенг жалб этишлари учун кенг имкониятлар яратилган. — Албатта, булардан қўзланган мақсад битта, у ҳам бўлса халқимизнинг фаровон турмуш кечиришлари учун пухта за-

мин яратишдан иборатдир, — дейди биз билан сўхбатда АТИБ «Ипотекабанк»нинг Яқасарой филиали бошқарувчиси ўрин-босари Тожибой Якубов. — Шу мақсадда филиалимизда миқозлар учун «Қомус», «Капитал локс», «Элга манзур» сингари ўндан ортиқ турдаги омонат турлари йўлга қўйилган. 4100 миллион сўмдан ортиқ аҳоли қўлидаги бўш пул маблағлари ушбу омонатларга жалб қилинган. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларга ўз тадбиркорлик фаолиятларини кенг йўлга

қўйишлари учун кредит маблағлари ажратилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина ўтган сарҳисоб йилида кичик бизнес вақилларига 5200 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бунинг натижасида 262 та янги иш ўринлари яратилди. Ўз навбатида тадбиркорлик субъектлари учун янада кенгрок қулайлик яратиш мақсадида офис жиҳозлари, автомобиль, қишлоқ хўжалик техникалари ва бошқа мақсадлар учун Марказий банк курсида 10 минг АҚШ доллари қийматидаги

лизинг ускуналари бериш йўлга қўйилди. Бун



Пойтахтимизда 27 март куни шахмат бўйича икки жаҳон чемпиони — ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов ва ҳиндистонлик Вишванатан Ананднинг ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, мамлакатимиз шахмат федерацияси ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур учрашув ўзбекистон шахмат спортининг халқаро майдондаги нуфузини янада ошириш, мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир шахматчиларни тарбиялаш, ўғил-қизларни спортга, жумладан, шахматга қизиқишини кучайтириш, уларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш, мазкур спорт турини кенг оммалаштириш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва жисмоний салоҳиятини ошириш, спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган катта эътибор самарасида спортчиларимиз халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон изчил тараққий этаётган мамлакатлардан, — деди Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) президенти Кирсан Илюмжинов (Россия). — Халқаро молиявий инқироз даврида ҳам Ўзбекистон иқтисодий баҳардор ривожланаётгани эътиборга сазовор. Мамлакатингизда спортни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани, айниқса, қувончлидир. Холбуки, қўлгина мамлакатларда спорт, таълим ва маданиятни ривожлантиришга сўнги масалалар сифатида қаралади.

Ўзбекистонда ҳам мазкур соҳаларни ривожлантириш учун алоҳида эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ. Масалан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шахсан ўзи бошчилик қилаётгани давлат раҳбарининг ёш авлоднинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб етишиши учун кўрсатилган улкан эътибор ва ғамхўрлигининг амалдаги ифодасидир. Тошкентда икки халқаро гроссмейстер — Рустам Қосимжонов ва Вишванатан Ананд ўртасида ўтказилган ўртоқлик учрашуви Ўзбекистоннинг шахмат борасидаги улкан салоҳиятининг ёрқин намоёни бўлди.

Дарҳақиқат, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов ҳам Президентимизнинг ана шундай юксак эътибори ва ғамхўрлиги тўғрисида кўчли шахматчи бўлиб етишди. Рустам 10 ёшида Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди. 1994 йили ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатида ғолиб чиқди ва жаҳон биринчилигида бронза медалга сазовор бўлди.

ШАХМАТ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

1997 йили истеъдодли шахматчимизга Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕнинг 68-конгрессида халқаро гроссмейстер унвони берилди. Рустам бу мавқега 18 ёшга эришган жаҳондаги беш нафар шахматчи билан бирлиги бўлди.

2004 йили Рустам Ливия пойтахти Триполи шаҳрида дунёнинг 56 мамлакатидан 128 нафар шахматчи иштирок этган жаҳон чемпионатида жаҳон шахмат тожини қўлга киритди. Шу йили Рустам Қосимжонов Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Фармонию

билан "Амир Темури" ордени билан мукофотланди.

Тошкентда шахмат бўйича ўтказилган ўртоқлик учрашувига замонамизнинг энг кучли шахматчиларидан бири — Вишванатан Ананд таклиф этилиши мамлакатимизда шахмат спорти кенг ривожланганидан



шахматчиларимиз салоҳияти юксаклигидан далolat беради. Бинобарин, В.Ананд — тўрт марта жаҳон чемпиони бўлган.

— Беш йил аввалги бир учрашувда Рустам Қосимжоновга ғалабани бой берган

эдим, — дейди Вишванатан Ананд. — Унинг деярли барча ўйинларини кузатиб бораман. Ўзбекистон шахматининг фахри бўлиши Рустам Қосимжоновнинг қўлга киритган улкан ютуқлари Ўзбекистонда спортнинг барча турлари қатори шахматнинг ҳам изчил ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилганидан далолатдир. Ишонаманки, юртингиз ёшлари келгусида шахмат соҳасида янада юқори кўрсаткичларга эришади.

2004 йилги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ва амалдаги жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд ўртасидаги ўртоқлик учрашуви "матч-репид" тартибда тўрт партиядан иборат бўлди. Унда Вишванатан Ананд 3,5:0,5 ҳисобида зафар кучди. Ўзбекистон шахмат федерациясининг расмий сайти — uzchess.uz орқали онлайн тарзда трансляция қилинган мазкур партияларни жаҳоннинг турли мамлакатларидаги минглаб шахмат муҳлислари ва мутахассислари кузатиб борди.

28 март куни амалдаги жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида мамлакатимизнинг энг истеъдодли ёш шахматчилари билан семинар-тренинг ўтказди.

Рустам Қосимжонов эса бугун ана шундай семинар-тренинг ўтказди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов иштирок этди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, Ўза муҳбири Муҳаммад АМИН (Ўза) олган сурат



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

- КАСБ ВА ҲУНАР ҲАҚИДА
Ўз касбини севган киши — осонла чарчамайди.
Мутахассис — ўз касбининг шифкори.
Касбни нафс эмас, қалб танлаи керак.
Ҳунар темирни ҳам тирилтиа олади.
Ҳунарманднинг нони бутун.
Яхши пазанда — табибдир.
Дехқоннинг нони далада.
Боғбон — ўз боғини аввало юрагга кўкартиради.
Чорвадорнинг бугунги бири — эрининг иккисидир.
Ишчи — ўзи ишлатадиган металлр каби тобланган.
Дехқон — ризқ сардори.
Дехқон — замин заргари.
Дехқон — экиннинг ёнига орзу ж кўшиб эккан.
Бемаҳал ёққан қор дехқоннинг ича ёғади.
Дастурхонларни дехқон қўлинг саховати тўлдиргандир.
Ишчининг меҳнати — мамлакатнинг қудратидир.
Саломатлик хазинасининг калити — шифокорда.
Шифокорнинг виждони — беморнинг дармонидир.
Кулол оддий лойдан мўъжиза ярга олади.
Рассом — суратда қалбни ҳам кўрата олади.
Ҳар касбнинг ўз гашти бор.
Санъаткор — дилларга нур олиб кирувчидир.
Зар қадрига — заргар етади.
Касби борнинг — бахти бор.
Касбини эъозлаган муродога етди.
Агар юрак буурса, қўллар бажу дил ишлайди.
Касбни севиш — миришкорлини яратади.
Касбини севган одамнинг гурўти бўлмайди.
(Давоми бор)

Кўргазмалар ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон Бадий Академиясининг Марказий Кўргазмалар залида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Наврўз — 2011» кўргазмаси бу гал анъанавий халқ ҳунармандчилиги ҳозирги кунда давом эттириб келаётган ҳунармандлар ижодига бағишланди.



Маълумки, Президент Фармонию асосан ташкил топган «Хунарманд» уюшма-

си 25 та йўналиш ва 1000 дан ортиқ турдаги махсулотлари билан ички ва ташқи бозорни таъминламоқда. «Қайта тикланган ҳунар» анъанавий халқ ҳунармандчилиги фестивалида ҳам юртимизнинг барча вилоятларидан ҳунармандлар ўз асарлари билан иштирок этмоқдалар. Улар орасида ёғоч ўймакорлиги ва лок миниатюраси асарлари, миллий матолардан тикилган анъанавий ва замонавий либослар, сопол буюмлар, сўзаналар ва бошқа кўплаб асарлардан асрларга ўтиб келаётган кадрият-

ларимиз акс этган ҳунармандчилик буюмлари намойишга қўйилган. Кўргазма экспозициясидан ранг-таъсир ва графика асарлари, замонавий кулолчилик буюмлари ҳам ўрин олган. Тадбир доирасида намойиш этиш учун қўйилган Булффия хоним мукофоти совриндорларининг ижодий асарлари фестивал, Наврўз мазмун моҳияти билан ўзаро уйғунлашган.

Фестиваль доирасида ёши юздан ошган таниқли халқ ҳунармандчилиги усталарининг юбилейлари ҳам ўтказилмоқда. Намойишга қўйилган асарлар орқали «Устоз-шогирд» дастури асосида касб-ҳунарга ўргатилганлар, уларнинг издошлари, ҳозирги кун усталари анъанавийликни сақлаб қолган ҳолда ҳунармандчиликни давом эттириб, яхши натижаларга эришаётганлигини кўриш мумкин.

Кўргазманинг фаол иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси «Хунарманд» уюшмаси дипломлари билан тақдирландилар.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ Алексей Попов олган сурат

Баҳорнинг ниҳоясида ўз тансиқлиги ва хушхўрлиги билан ажралиб турадиган ровочлар етилади.

Ровоч — торондошлар оиласига мансуб, кўп йиллик ўтлар туркуми. Ўрта Осиёда унинг 25 та тури учрайди. Булардан етти тури Ўзбекистонда кенг тарқалган. Ровоч республикамизнинг чўл, адир ва тоғ зоналарида учраб, турли хил тупроқ шароитида ўсади. Юртимизда Максимович ровочи (уни баъзан «чўл чухраси» деб аташади), туркистон ровочи («туя япроқ»), витрок ровочи, татар ровочи кўп тарқалган.

Ровочнинг Максимович тури халқ ҳўжалигида аҳамиятли ҳисобланади. Бу ровоч йўгон илдиэпояли кўп йиллик, бўйи 100-120 сантиметрға етадиган ўсимлик бўлиб, поя асосини кўнғир рангли барг нави ўраб олади. Пояси баргсиз, жуда кўп сўғалсимон бўртмали, баъзан силлиқ, пасти қисми бир оз ялпайган, қизғиш рангли, юқори томони сершоҳ бўлиб, учида пирамидасимон — тўпгуллар ҳосил қилади. Барча барглари йирик буйраксимон — ялпоқ бўлиб, уларнинг узунлиги 18-50 см, эни 20-60 м га тенгдир. Гуллари даста-даста ўрнашган узун бандли бўлади. Мевалари йирик, кенг тухумсимон, унинг ичида ёнғоқсимон тўқ кўнғир ёки қизил рангли уруғлар бўлади. У май-июлда гуллайди ва уруғлайди.

Саноат аҳамиятига эга бўлган мазкур ровоч илдизда 14-18 фоиз танил моддаси, 6,6 фоиз қанд, 22 фоиз крахмал, 0,8 фоиз глюкозид ва буюк моддалар, органик кислоталар (олма, лимон, тарторон, фумар, қаҳрабо кислоталари) маъданли моддалардан калий, кальций, фосфор, магний, дармондорилардан турли витаминлар, каротин, илдиэ ва илдиэпояларида яна танагликозид ва антрагликозидлар мавжуд.

Шифобахш неъматлар РОВОЧ — ИШТАҲАГА РИВОЖ

Ровочнинг шифобахш хусусиятлари кўҳна замоналардан бери маълум бўлиб, ўз вақтида Абу Али ибн Сино у билан безгак, чечак, вабо, қизамиқни даволаш билан бирга, меъдани мустаҳкамлаш воситаси сифатида ҳам фойдаланган. Бундан ташқари, у ровоч асосида ичак, қовуқ хасталиқларининг орғиғидан фориг этувчи, бачадондан бемавруд қон кетишини тўхтатувчи, ичак қотирувчи неъмат сифатида тавсия этган.

Табиатшунос олим С.Сирождиновнинг берган маълумотларига қараганда, ровоч халқ табобатида алоҳида ўрин тутайди. Жумладан, ровоч илдизини пўстидан ажратиб қуритилади, сўнгра унинг сутли қайнатмасини ичак касалликларини даволаш учун ичирилади, чунончи, у меъда фаолиятини яхшилайдди, юракни мустаҳкамлайди. Шу билан бирга, ровоч илдиздан тайёрланган қайнатма қон кетишини тўхта-тади. Туркистон ровочининг мурғак шох ва барглари

Кўкларнинг илк илиқ, фараҳбахш кунлари ижод аҳлига ўзгача рух, ҳис-ҳаяжонли шуқуҳ бағишлайди. Айниқса, тасвирий санъат аҳли, улар хоҳ тажрибали рассом ёки ёш мусаввир бўлсин табиат қўйнига талпинадилар. Гўзал, бетақдор бадий тасвирлар яратиш иштиёқига изланадилар. Баҳор кайфияти уфуриб турган ижодий ишларидан бошқаларни ҳам баҳраманд этишга ошиқадилар.

БОҒЛАРДА БАҲОР

Низомий номдаги Тошкент Давлат педагогика университети «Санъат» факультети талабаларининг ижодий ишларидан ташкил этилган анъанавий кўргазма ҳам баҳор фаслига бағишланди. Унда «Тасвирий санъат» тўғраги аъзоларининг 50 дан зиёд ижодий ишлари намойишга қўйилган бўлиб, турли жанрларга мансублиги билан ҳам қизиқарлидир. Шундай эътиборга лойиқ асарлар қаторидан ўрин олган, магистратура таълим йўналиши талабаси, ёш рассом Сарвар Собировнинг «Равот тоғлари», «Қишлоқ ҳаёти», «Натюрморт», «Чирок», «Настарин», «Сирли олам», «Гуллар» номли ижодий ишлари ўзининг чизги ва ранг колоритининг жозибаси билан ажралиб туради. Мусаввирнинг атрофмудух муҳофазаси, гивандлик балосига қарши йўналтирилган мавзулардаги тарғибот плакатлари ҳам айни шу куннинг долзарб муаммолари масалаларига бағишланди. Шундай

масаллиқ сифатида овқатларга ишлатилади. Олимларнинг таъкидлашларича, ровочдан шароитта қараб апрель ойининг бошларидан июнь ойининг бошларигача фойдаланиш мумкин, чунки бу даврда унинг истеъмол қилинадиган қисмлари қотмаган ва киши организми учун зарур бўлган дармондориларга бой бўлади.

Замонавий тиббиётда ровоч сурункали қабзият билан озорланган кекса кишилар учун, шунингдек хомиладор аёлларга, маъдақ (тўғри ичакнинг тешилиши), бавосилга йўлиққан беморларга тавсия этилади.

Тадбиркор халқимиз, ровоч ихлосмандлари ўсимлик энди кўкараётган вақтда, ўша табиий ўсган жойларида уни тош, шағал ва тупроқ билан бостириб кетишади. Чунки қуёш нуридан маҳрум бўлган ровочнинг барглари ривожланмайди, унинг бандлари эса ниҳоятда сершарбат бўлиб ўсади.

Одатда ровочнинг доривор махсулотларини мақсадга қараб, меваси пишиб етилганидан кейин йиғиб олинади, ўсимлигини илдизпояси эса меваси етилиб тўқилиб кетганидан кейин қузда қазиб олинади. Йиғиб олинган илдизлар совуқ сувда ювилиб, сўнгра майда бўлақларга ажратилган ҳолда очиқ ҳавода қуритилади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, ровоч препаратлари кичик улушларда (дозада) буруштирувчи таъсир кўрсатиб, ич кетишини қайтарадиган бўлса, катта улушларда, аксинча сурғи ўрнини босиши мумкин.

Айни баҳор дамлари ровочнинг сўлқилдоқ новдалари истеъмол қилинади, ундан мурabbo, шарбат, илашма (кисель) ва бошқа ширинликлар тайёрлашда фойдаланилади. Ровоч новдаларини сомса, варақи каби пишириқлар «мағзи» сифатида ишлатилади.

Маннон НАБИЕВ, доришунос

Узгиромет

Тошкент шаҳрида 30 март кунини ҳаво ўзгариб туради, 30 март кунини ёнғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 7-9, кунунинг 1-3 фоиз кўпайишмиш кундузи — 21-23 даража ички бўлади.

Республика ҳудуди бўйича 30 март кунини ёнғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 4-9, кунунинг 18-23 даражлик бўлади.

Узгирометнинг ширини хизмати мамонтиса кўра, 30 март кунини эрталаб Тошкент шаҳрида шароити шаҳаргаво муҳитида зарари мобарнинг бироз йиғилишим-коният яратади. Атмосферанинг ифлосланиш дажаси 1-3 фоиз кўпайишмиш қилинмоқда, тағдори наст бўлади.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилмиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОҚИМИЛИГИ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95, 236-57-65. Факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoшқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.
Ҳажми — 2 бoсма табоқ, офeст уeулида бoсиллади. 4633 нусхада бoсиллади. Қўғоғ бeғими А-2

Нашрни eтказиб бeриш масалалари бунча турар жойлардаги почта бўлимига «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефoнга мурожаат қилишнинг мумкин.
Газета таҳриринг компьютер марказида тeриштирилади ва саҳланган.
«Шарқ» нашриeт-матбoа акциядорлик компанияси бoсмаохoнаси. Корхона манзили: Буюк Туран кўчаси, 1й.
12:5